

MAHALLA MARKAZI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI

**“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ДАГИ ФУҚАРОЛАР
ЙИҒИНИ РАИСНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”ДАГИ **ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ**
РАИСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА

“Маҳалла еттилигида”ги фуқаролар йиғини раисининг вазифалари бўйича услубий қўлланма Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 17 бет.

Мазкур услубий қўлланма фуқаролар йиғини раисини фаолиятини тартибга солиши, унинг роли, асосий вазифалари ва хизмат кўрсатиладиган хизмат тоифалари, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва айрим масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	2
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ	2
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРАДИГАН ИШЛАРИ	3
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ЙИҒИН ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ВАКОЛАТЛАРИ	4
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ЙИҒИН ҲУЗУРИДАГИ ТУЗИЛМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ	6
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ БИЛАН ИШЛАШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	8
ИЛОВАЛАР	14
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ	14
ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ	15

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ



ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ



Янги “маҳалла еттилиги” тизими доирасида Раиснинг **асосий вазифалари**¹ қуйидагилардан иборат:


1	Маҳалла ободлигини таъминлаш, шу жумладан, «Обод маҳалла», «Обод кўча», «Обод хонадон» мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута кўчатлари экиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш
2	Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилиш, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш, тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ихчам ўтказилишини таъминлаш
3	Маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакилларини аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш ва муаммоларга ечим топишини таъминлаш
4	Маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланиш
5	Маҳалла ҳудудида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шу жумладан, таълим, тиббий хизмат, спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

¹ Асосий вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон Фармони билан белгилаб берилган.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРАДИГАН ИШЛАРИ



Ойда бир марта маҳаллада **оммавий ҳашар**; камида 2 та эҳтиёжманд оилаларнинг **таъмирталаб хонадонид**а ҳашар.




Чоракда бир марта **маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларнинг** аҳоли билан учрашувлари



Фуқаролар йиғини Кенгашида ҳар ойда камида 5 та маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакилларининг ахборотини эшитиб,



Ҳар ҳафтада ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимлар **ҳисоботини эшитиш** ва уларни ҳар бири ҳар ойда камида **10 тадан муаммоли масалаларни** ҳал этишини назоратга олиш




Ҳафтада бир марта мактаб **ўқувчиларининг давомати**, оилавий поликлиникалардаги **тиббий хизмат** ва патронаж ҳамшираларининг оилаларга ташрифи, **спорт ташкилотларининг** аҳоли учун очиклиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофининг **тозалиги** ҳамда **дарахтларни парвариш**лаш

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ЙИҒИН ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ВАКОЛАТЛАРИ



Фуқаролар йиғинида иш вақтининг **жамланган ҳисоби** (жами 40 соат, 6 кун) юритилади ва иш куни соат **7-00 дан 22-00 гача** тақсимланади.

⇒ Раис **гувоҳномага** эга бўлади. Гувоҳнома Раиснинг ваколати ҳамда шахсини **тасдиқловчи ҳужжат** ҳисобланади (2-илова).




ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ФАОЛИЯТИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

⇒ Раис томонидан **иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича масъул** этиб тайинланган ходим²:

- *мажлисларни ўтказишга доир материалларни тайёрлайди;*
- *қарорлар ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди;*
- *иш юритишни олиб боради.*

⇒ Фуқаролар йиғинида юритиладиган **йиғмажилдлар** раиснинг тегишли ўринбосари томонидан имзоланади ва **раис томонидан тасдиқланади (3, 4-иловалар)**.

⇒ Фуқаролар йиғинида тайёрланадиган **ҳужжатлар**:



Йиғмажилдлар номенклатураси

фуқаролар йиғинида юритиладиган, сақлаш муддати кўрсатилган, белгиланган тартибда расмийлаштириладиган йиғмажилдлар сарлавҳаларининг тизимлаштирилган рўйхати

² Фуқаролар йиғинларида иш юритиш **Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом** асосида ташкил этилади.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ЙИҒИН ҲУЗУРИДАГИ ТУЗИЛМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ КОМИССИЯСИ БИЛАН ИШЛАШ

⇒ Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясига **Раис** раҳбарлик қилади.

⇒ Комиссия раиси **ваколатлари**:

- * комиссия фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;
- * Комиссия низомида белгиланган вазифаларнинг аъзолар томонидан бажарилишини таъминлаш;
- * оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш бўйича тадбирларда бевосита иштирок этиш;
- * мажлисларни чақириш ва ўтказиш;
- * фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши), фуқаролар йиғини кенгаши мажлисларида Комиссия номидан вакиллик;
- * комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолаш.



«КЕКСАЛАР МАСЛАҲАТИ» ГУРУҲИ

⇒ Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш **Раис томонидан** амалга оширилади.



МАҲАЛЛА НАЗОРАТИ ГУРУҲИ

→ Маҳалла назорати гуруҳига **Раис** раҳбарлик қилади.



гуруҳ фаолиятини ташкил этади;



гуруҳ йиғилишларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;



гуруҳнинг ҳужжатларини имзолайди;



гуруҳ аъзоларининг зиммасига юкланган вазифалар бажарилишини таъминлайди;



веб-сайтда гуруҳ фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг жойлаштирилиши ҳамда янгиланиб борилишини таъминлайди



гуруҳнинг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширади

давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш

**Жамоатчилик
назорати
шакллари**

қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш

тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш


ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ ИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ

→ Фуқаролар йиғинида **тадбиркорлик бўйича маслаҳат маркази** ташкил этилиши мумкин.



Маслаҳат маркази **фаолиятини назорат қилиш Раис** томонидан амалга оширилади. Маслаҳат маркази фаолияти билан боғлиқ харажатлар йиғиннинг ўз маблағлари, шунингдек ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланиши мумкин.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Жамоат ишлари

ҳудудларни ободонлаштириш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари, кўчаларни, йўлларни ва йўлкаларни таъмирлаш ва шу кабилар.



Жамоат ишларига жалб қилинган шахсларнинг **меҳнатига ҳақ** **Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари** ҳисобидан тўланади.



Раис **сақлаш чораларини** кўриши лозим бўлган мол-мулклар:



эгасиз мол-мулк



мерос тариқасида фуқаролар йиғинига ўтган мол-мулк



даволаш муассасаларида турганлиги муносабати билан вақтинча бўлмаган ёлғиз шахсларнинг мол-мулки



ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки васийлик ва ҳомийликда турган, оилага тарбияга топширилган етим болаларнинг мол-мулки;



ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мол-мулки

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҶИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИ БИЛАН ИШЛАШГА ДОИР АЙРИМ ҚОИДАЛАР



Раис қуйидаги фуқароларнинг **моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш** тўғрисида тегишли давлат органларига **таклифлар** киритади:

кам таъминланган оилалар

ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар



етим болалар

табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқаролар

Бундан ташқари, **Раис:**



вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини Ҷимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади



етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади



бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади



тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни Ҷимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ



Раис фуқароларни қабул қилади, уларнинг **ариза, шикоят ва таклифларини** кўриб чиқади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари		
Ариза ёки шикоятлар		Таклифлар
15 кун	қўшимча ўрганиш ёки текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда - 1 ойгача	1 ой



Мурожаатлар, улар қаердан келганлигидан қатъи назар, алоҳида **рўйхатга олинади** ва уларнинг **ҳисоби юритилади**.

Мурожаатга **жавоб хати Раис** ёки унинг ўринбосарлари томонидан **имзоланади**.



БАЙРАМ КУНЛАРИ ВА МУҲИМ САНАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ



Раис (оммавий тадбир ташкилотчиси) байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади.



Оммавий тадбир **рухсатнома** асосида, оммавий тадбир дастурига мувофиқ ўтказилади.



Рухсатнома Ҳукумат қарори билан белгиланган тартибда махсус электрон ахборот тизими орқали берилади.



Раис Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига **қатъий риоя қилиши** шарт³.

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ



Раис

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишини

диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларини

олдини олишга доир ишларни ташкил этади.



Раис мазкур масалада **ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари** билан, шунингдек диний ташкилотлар ноқонуний фаолиятининг олдини олиш бўйича **тегишли давлат органлари** билан **ҳамкорлик қилади**.

ДАФН ЭТИШ ЖОЙЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА САҚЛАШ



Раис **янги дафн этиш жойларини** (қабристонлар) барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш ҳақида **таклиф** киритади.



Қабристон қуриш учун ер участкаси **жамоат эҳтиёжлари учун** доимий фойдаланишга берилади.



Қабристонларни ободонлаштириш **фуқаролар йиғини кўмагида** ҳашар йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ТОМОНИДАН ЎЛИМНИ ҚАЙД ЭТИШ



Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда **ўлим** Раис томонидан **қайд этилиши мумкин**.



Раиснинг ўлимни рўйхатга олиш борасидаги ҳаракатларини тегишли ҳудуддаги ФХДЁ бўлими назорат қилади.



Раис қайд этган ўлим тўғрисидаги далолатнома ёзувларини ФХДЁ органига топшириши керак.



Гувоҳномаларнинг ҳисобга олиниши ва уларнинг сақланиши учун Раис **масъулдир**.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ТОМОНИДАН ИШОНЧНОМАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ



Раис томонидан тасдиқланадиган ишончномалар **Ишончномаларни рўйхатга олиш китоби**да рўйхатга олинади (5-илова).

Ишончнома муддати – **3 йилгача**.



Ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб – **1 йил**.



*Ишончномаларга фуқаролар йиғини номи қайд этилган **муҳр** босилади.*

Раис қуйидагилар учун **ишончномаларни** тасдиқлаши мумкин:

- 1 • Хат-хабарларни олиш
- 2 • Пул ва посилкаларни олиш
- 3 • иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олиш
- 4 • муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни олиш
- 5 • пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни олиш
- 6 • банк муассасаларидан суммаларни олиш



*Раис томонидан ишончномалар тасдиқланганлиги учун **тўлов ундирилмайди**.*

ФУҚАРОНИ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ДЭБ ТОПИШДА ФУҚАРОЛАР ЙИВИНИ РАИСНИНГ ИШТИРОКИ

	Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши	
руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) тўфайли		

Раис фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида **судга ариза бериши мумкин бўлган** ҳолатлар



Ариза мазкур фуқаро **яшаб турган жойдаги**, агар бу шахс даволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса, мазкур **муассаса жойлашган ҳудуддаги судга** берилади.



Ариза мазкур фуқаро **яшаб турган жойдаги**, агар бу шахс даволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса, мазкур **муассаса жойлашган ҳудуддаги судга** берилади.



Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни юритиш билан боғлиқ **суд харажатлари** аризачидан **ундирилмайди**.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси;
5. Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни;
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги “Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 328-сон қарори;
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 7-сон қарори;
9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказининг намунавий низоми *(2013 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2499)*;
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари;
11. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 ноябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 944-сон қарори;
12. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 964-сон қарори;
13. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори билан тасдиқланган Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом.

**ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ**

2-илова

Фуқаролар йиғини раиси гувоҳномасининг шакли Гувоҳноманинг муқоваси	
	FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANI G U V O H N O M A
Гувоҳноманинг ички томони	
<p align="center">(ma'muriy-hududiy birlik nomi)</p> <p align="center">G U V O H N O M A № _____</p> <hr/> <p align="center">fuqarolar yig'ini raisi (oqsoqoli)</p> <p align="center">Saylov 20__yil «__»_____da o'tkazilgan Amal qilish muddati 20__yil «__»_____</p> <p align="center">Ko'maklashuvchi komissiya raisi _____ (F.I.O)</p> <p>М.О'</p>	<p align="center">(ma'muriy-hududiy birlik nomi)</p> <p align="center">Г У В О Х Н О М А № _____</p> <div style="display: flex; align-items: center; justify-content: center;"> <div style="border: 1px solid black; width: 60px; height: 60px; margin-right: 10px;"> <p align="center">Фотосурат (30x40)</p> </div> <div style="text-align: center;"> <p align="center">фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)</p> <p align="center">Сайлов 20__ йил «__»_____ да ўтказилган Амал қилиш муддати 20__ йил «__»_____</p> </div> </div> <p align="center">Кўмаклашувчи комиссия раиси _____ (Ф.И.О.)</p> <p>М.Ў</p>

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фуқаролар йиғини раиси
_____ (Ф.И.О.)

202__ йил «__» _____

ЙИҒМАЖИЛДЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ

_____ № _____

(тузилган жойи)

_____ йил учун

Йиғмажилд индекси	Йиғмажилд сарлавҳаси (жилд, қисм)	Йиғмажилдлар сони (жилдлар, қисмлар)	Йиғмажилдни сақлаш муддати ва рўйхат бўйича модданинг тартиб рақами	Изоҳ
1	2	3	4	5

Ўринбосар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

«КЕЛИШИЛГАН»*

_____ (вилоят, шаҳар) архив иши
бошқармаси Эксперт-текшириш
комиссиясининг __ йил __ даги
__-сон баёни

НАМУНА

Фуқаролар йиғинларига тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш

ДАФТАРИ

Т/р	Сана	Индекс	Ҳужжатни юборган ташкilotнинг номи (мансабдор шахсининг Ф.И.О ва лавозими)	Ҳужжатнинг индекси ва санаси (ҳужжатни юборган ташкilot (мансабдор шахс) томонидан қўйилган)	Раиснинг резолуцияси ва санаси	Масъул ижрочи (Ф.И.О., ҳужжат олинган сана)	Ҳужжатнинг ижроси тўғрисида маълумот (қаерга ва қачон жавоб юборилганлиги, сана ва индекси)
...

Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) баённомаси шакли
«_____» фуқаролар йиғинининг
_____сон баённомаси

20 __ йил «__» _____

_____ туман (шаҳар)

Раислик қилувчи:

Ф.И.О

Қатнашганлар:

Жами __ киши.

Ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳалладан фуқароларнинг вакиллари
__ киши.

Таклиф этилганлар:

Кенгаш аъзолари: __ киши.

Ташкилотлар вакиллари (Ф.И.О., иш жойи, лавозими).

КУН ТАРТИБИ:

- 1.
- 2.
- 3.

ЭШИТИЛДИ:

Маърузачи: Ф.И.О

Сўзга чиқдилар: Ф.И.О

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Мажлис котиби

имзо

Ф.И.О

Мажлис раиси

имзо

Ф.И.О

М.Ў.

Намуна

Ишончнома берувчи томонидан шахсан имзоланган ишончноманинг тасдиқловчи ёзуви

20__ йилнинг «__» _____ куни.

Ушбу ишончномани мен, _____

(фуқаролар йиғинининг номи, ишончномани тасдиқловчи

_____ тасдиқладим.

шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ишончнома фуқаро _____

(ишонч билдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан менинг ҳузуримда имзоланди.

Ишонч билдирувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига _____ рақами билан қайд этилди.

(тасдиқловчи шахс лавозими)_____
(имзо ва муҳр)

Намуна

Ишончномаларни рўйхатга олиш**КИТОБИ**

Тартиб рақами	Тасдиқлаш санаси	Ишонч билдирувчининг Ф.И.О. ва яшаш жойи	Ишончноманинг қисқача мазмуни	Ҳужжат олинганлиги ҳақида имзо
1	2	3	4	5

**Ишонч билдирувчининг илтимосига кўра бошқа шахслар томонидан имзоланган
ишончноманинг тасдиқловчи ёзуви**

20 ____ йилнинг « ____ » _____ куни.

Ушбу ишончномани мен, _____

(фуқаролар йиғинининг номи, ишончномани тасдиқловчи

_____ тасдиқладим.

шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

Фуқаро _____ нинг

(ишонч билдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (касалиг

и, кўзи ожизлиги ва ҳоказо)

туфайли унинг илтимосига кўра ва менинг ҳузуримда ишончномани фуқаро _____

(ишончномани ишонч билдирувчининг илтимосига кўра имзоловчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

имзолади.

Ишонч билдирувчининг шахси аниқланди, муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Ишончномани имзоловчининг шахси аниқланди ва муомалага лаёқатлилиги текширилди.

Рўйхатга олиш китобига _____ рақами билан қайд этилди.

_____ (тасдиқловчи шахс лавозими)

_____ (имзо ва муҳр)